

«Дунёнинг энг нуфузли 500 мусулмони» рўйхати эълон қилинди



10:20 / 23.10.2021 3047

Ўмонда жойлашган Стратегик тадқиқотлар ислом маркази навбатдаги “Дунёнинг энг нуфузли 500 мусулмони” рўйхатини эълон қилди.

Бу сафарги рўйхатнинг илк беш поғонасида Қатар амири Шайх Тамим ибн Ҳамад ал-Тани, Саудия Арабистони подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз, Эроннинг олий раҳбари Сайид Али Ҳаманаи, Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоған ва Иордания подшоҳи Абдуллоҳ II бор.

Рўйхатга Ўзбекистондан марҳум муфтий Усмонхон Алимов, Тожикистондан президент Имомали Раҳмон ва муфтий Сайидмукаррам Абдулқодирзода, Туркманистондан Гурбангули Бердимухамов ҳам киритилган.

“Дунёнинг энг нуфузли 500 мусулмони” рўйхати 2009 йилдан бери
Американинг Жоржтаун университети қошидаги Муслмон-насионий
ҳамфикрлик маркази билан ҳамкорликда мунтазам равишда чоп этиб
келинади.